

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**Рўйхатга олинди**  
**№\_\_\_\_\_**  
**20\_\_\_\_ йил**

Ўзбекистон Республикаси Олий ва  
ўрта маҳсус таълим вазирининг  
20\_\_\_\_ йил “\_\_\_\_” \_\_\_\_\_ даги  
\_\_\_\_ - сонли буйруғи билан  
тасдиқланган.

**“ИЖТИМОИЙ ИШ**

**(фаолиятнинг турли соҳалари бўйича)**

йўналиши бўйича олий таълим муассасалари педагог кадрларини  
қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш курсининг ўкув дастури

**Тошкент – 2015**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ПЕДАГОГ ВА РАҲБАР КАДРЛАРИНИ ҚАЙТА  
ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШНИ ТАШКИЛ ЭТИШ  
БОШ ИЛМИЙ - МЕТОДИК МАРКАЗИ**

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ПЕДАГОГ  
КАДРЛАРНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ  
МИНТАҚАВИЙ МАРКАЗИ**

*Қайта тайёрлаш ва малака ошириши ўқув дастури Олий ва ўрта маҳсус, касб-хунар таълими йўналишилари бўйича ўқув-услубий бирлашмалар фаолиятини*

*Мувофиқлаштирувчи кенгашининг*

*201\_\_йил \_\_\_\_\_даги \_\_\_\_\_ - сонли баённомаси билан маъқулланган.*

Тузувчилар:

**“Олий таълимнинг норматив ҳуқуқий асослари” модули:**  
с.ф.д., проф.И.Эргашев, ю.ф.н., доц. В.Топилдиев.

**“Илғор таълим технологиялари ва педагогик маҳорат” модули :** п.ф.д., проф. Н.А.Муслимов, п.ф.н. М.Т.Мирсолиева, п.ф.н. доц. М.Усманбаева, А.Исянова.

**“Таълим жараёнида ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш” модули:**

ф-м.ф.н., доц. Х.Холмедов, ф-м.ф.н., доц. Д.Иргашева, кат. ўқит. В.Хамидов.

**“Амалий хорижий тил” модули:** Ўзбекистондаги Британия Кенгашининг етакчи мутахассислари, кат. ўқит. У.Гиясова.

**“Тизимли таҳлил ва қарор қабул қилиш асослари” модули:** с.ф.д., проф. С.Жўраев, т.ф.д., проф.С.Абдурахимов, пс.ф.н. Х.М.Алимов.

**Маҳсус фанлар бўйича:**

и.ф.д., проф. Б.Х.Умурзоков, и.ф.д., проф. А.В.Вахабов, соц.ф.д., проф. М.Х.Ганиева, соц.ф.н., доц.в.б. Н.М.Латипова.

Такризчилар:

Республика болалар ижтимоий мослашув маркази “Болаларни ҳуқуқий ҳимоя қилиш” бўлими бошлиғи Умарбекова Ю., соц.ф.н., доц. Х.Т.Хусанова.

Ўқув дастури ЎзМУ Илмий кенгашининг қарори билан тасдиққа тавсия қилинган (2015 йил \_\_\_\_\_даги - сонли баённома).

## **Кириш**

Дастур Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июндаги “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги ПФ-4732-сон Фармонидаги устувор йўналишлар мазмунидан келиб чиқсан ҳолда тузилган бўлиб, у замонавий талаблар асосида қайта тайёрлаш ва малака ошириш жараёнларининг мазмунини такомиллаштириш ҳамда олий таълим муассасалари педагог кадрларининг касбий компетентлигини мунтазам ошириб боришни мақсад қилади.

Дастур мазмуни олий таълимнинг норматив-хуқуқий асослари ва қонунчилик нормалари, илгор таълим технологиялари ва педагогик маҳорат, таълим жараёнларида ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш, амалий хорижий тил, тизимли таҳлил ва қарор қабул қилиш асослари, маҳсус фанлар негизида илмий ва амалий тадқиқотлар, технологик тараққиёт ва ўқув жараёнини ташкил этишнинг замонавий услублари бўйича сўнгги ютуқлар, педагогнинг касбий компетентлиги ва креативлиги, глобал Интернет тармоғи, мультимедиа тизимлари ва масофадан ўқитиши усулларини ўзлаштириш бўйича билим, кўникма ва малакаларини шакллантиришни назарда тутади.

Дастур доирасида берилаётган мавзулар таълим соҳаси бўйича педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш мазмуни, сифати ва уларнинг тайёргарлигига қўйиладиган умумий малака талаблари ва ўқув режалари асосида шакллантирилган бўлиб, бу орқали олий таълим муассасалари педагог кадрларининг соҳага оид замонавий таълим ва инновация технологиялари, илгор хорижий тажрибалардан самарали фойдаланиш, ахборот-коммуникация технологияларини ўқув жараёнига кенг татбиқ этиш, чет тилларини интенсив ўзлаштириш даражасини ошириш ҳисобига уларнинг касб маҳоратини, илмий фаолиятини мунтазам юксалтириш, олий таълим муассасаларида ўқув-тарбия жараёнларини ташкил этиш ва бошқаришни тизимли таҳлил қилиш, шунингдек, педагогик вазиятларда оптималь қарорлар қабул қилиш билан боғлиқ компетенцияларга эга бўлишлари таъминланади.

Қайта тайёрлаш ва малака ошириш йўналишининг ўзига хос хусусиятлари ҳамда долзарб масалаларидан келиб чиқсан ҳолда дастурда тингловчиларнинг маҳсус фанлар доирасидаги билим, кўникма, малака ҳамда компетенцияларига қўйиладиган талаблар ўзгартирилиши мумкин.

### **I. Олий таълимнинг норматив хуқуқий асослари**

1.1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг асарларида жамият ривожи ва таълим-тарбия масалалари.

1.2. Таълим-тарбия жараёнларини ташкил этишнинг қонунчилик нормалари.

## **II. Илғор таълим технологиялари ва педагогик маҳорат**

- 2.1. Инновацион таълим технологиялари.
- 2.2. Педагогик компетентлик ва креативлик асослари.
- 2.3. Замонавий таълим ва инновацион технологиялар бўйича илғор хорижий тажрибалар.

## **III. Таълим жараённида ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш**

- 3.1. Таълимда мультимедиа тизимлари ва масофавий ўқитиш методлари.
- 3.2. Электрон педагогика асослари ва педагогнинг шахсий, касбий ахборот майдонини лойиҳалаш.

## **IV. Амалий хорижий тил**

- 4.1. Амалий хорижий тилни ўрганишнинг интенсив усуллари.

## **V. Тизимли таҳлил ва қарор қабул қилиш асослари**

- 5.1. Тизимли таҳлил асослари.
- 5.2. Олий таълим жараёнини бошқаришда қарор қабул қилиш технологиялари.

## **VI. Махсус фанлар**

- 6.1. Аҳолининг ижтимоий ҳимоя қилиш тизимининг манзиллигини кучайтириш йўналишлари.
- 6.2. Пенсия тизимини ислоҳ этишни хориж тажрибаси ва ундан Ўзбекистонда фойдаланиш имкониятлари.
- 6.3. Ёшлар билан ижтимоий иш олиб бориш технологияси.
- 6.4. Аҳолининг заиф қатламлари билан ишлашнинг этносоциалик жиҳатлари.

## **VII. Педагогик амалиёт**

## **VIII. Малакавий аттестация**

### **Курснинг мақсади ва вазифалари**

Олий таълим муасасалари педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш курсининг **мақсади** педагог кадрларнинг ўқувтарбиявий жараёнларни юксак илмий-методик даражада таъминлашлари учун зарур бўладиган касбий билим, кўникма ва малакаларини мунтазам янгилаш, малака талаблари, ўқув режа ва дастурлари асосида уларнинг касбий компетентлиги ва педагогик маҳоратини доимий ривожланишини таъминлашдан иборат.

Курснинг **вазифалари**га қўйидагилар киради:

**“Ижтимоий иш (фаолиятнинг турли соҳалари бўйича)”** йўналишида педагог кадрларнинг касбий билим, кўникма, малакаларини узлуксиз янгилаш ва ривожлантириш механизмларини яратиш;

замонавий талабларга мос ҳолда олий таълимнинг сифатини таъминлаш учун зарур бўлган педагогларнинг касбий компетентлик даражасини ошириш;

педагог кадрлар томонидан замонавий ахборот-коммуникация технологиялари ва хорижий тилларни самарали ўзлаштирилишини таъминлаш;

максус фанлар соҳасидаги ўқитишининг инновацион технологиялари ва илғор хорижий тажрибаларни ўзлаштириш;

**“Ижтимоий иш (фаолиятнинг турли соҳалари бўйича)”** йўналишида қайта тайёрлаш ва малака ошириш жараёнларининг фан ва ишлаб чиқариш билан интеграциясини таъминлаш.

### **Курс якунида тингловчиларнинг билим, кўникма ва малакалари ҳамда компетентлигига қўйиладиган талаблар:**

“Олий таълимнинг норматив ҳуқуқий асослари”, “Илғор таълим технологиялари ва педагогик маҳорат”, “Таълим жараёнида ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш”, “Амалий хорижий тил”, “Тизимли таҳлил ва қарор қабул қилиш асослари” модуллари бўйича тингловчиларнинг билим, кўникма ва малакаларига қўйиладиган талабалар тегишли таълим соҳаси бўйича педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш мазмуни, сифати ва уларнинг тайёргарлиги ҳамда компетентлигига қўйиладиган умумий малака талаблари билан белгиланади.

Максус фанлар бўйича тингловчилар қуйидаги янги билим, кўникма, малака ҳамда компетенцияларга эга бўлишлари талаб этилади:

#### **Тингловчи:**

- Ўзбекистонда аҳолини ижтимоий жиҳатдан муҳтоҷ қатламларини аниқлаш мезонлари, тамойиллари, ижтимоий ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий-институционал асосларини, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тизимининг таркиби ва манзиллигини кучайтириш йўналишларини;

- Ўзбекистонда давлат пенсия таъминотининг зарурлиги, вазифалари, турлари, пенсия таъминоти тизимининг шаклланиши, ривожланиши босқичлари ва тенденциялари, бирдамлик пенсия тизимини ислоҳ этишининг зарурлиги, омиллари ва жамғариладиган пенсия тизимига ўтишининг устувор йўналишларини;

- давлат пенсия таъминотининг ҳуқуқий-институционал асосларини, давлат пенсиясини тайинлаш, расмийлаштириш, қайта ҳисоблаш ва тўлаш амалиёти ҳолатини баҳолаш ва такомиллаштириш йўналишларини;

- ёшлар билан ижтимоий иш олиб боришнинг асосий усуллари, замонавий амалиётларини таҳлил қилиш ва баҳолашни;

-контактли ижтимоий иш методикасини таҳлил қилиш, ёшлар билан консультатив ва профилактик тадбирлар олиб боришни;

- хорижда ёшлар билан ижтимоий ишни ташкил этишининг ўзига хос хусусиятлари ва ёш авлодга нисбатан жаҳон ҳамжамияти томонидан ишлаб чиқилган сиёсатни шакллантириш ва амалга оширишнинг асосий стандартларини;

- аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож ва заиф қатламлари бўйича мөъёрий-хуқуқий хужжатларнинг турлари, мөъёрий-хуқуқий хужжатларни ишлаб чиқилиши ва амалга киритилишини ***билиши*** керак.

#### **Тингловчи:**

- аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тизимини ҳолатини баҳолаш, ривожланиш тенденциялари ва муаммоларини аниқлаш, уларни ҳал этишга қаратилган чора-тадбирларни ишлаб чиқиш;

- ижтимоий иш, ижтимоий таъминот, ижтимоий ишнинг турли фаолият соҳалари, пенсия тизимининг ривожланиши соҳасида маъруза ўқиш ва амалий машғулотларни ўтказишида янги замонавий педагогик, инновацион технологиялардан, илм-фан ютуқлари ва техник воситаларидан фойдаланиш ***кўникмаларига*** эга бўлиши лозим.

#### **Тингловчи:**

- аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тизимини манзиллилигини кучайтиришнинг хориж тажрибаси ва миллий даражасини қиёсий таҳлил қилиш;

- пенсия таъминотини аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тизимини манзиллилигини кучайтиришдаги ўрнини баҳолаш ва такомиллаштиришга қаратилган чора-тадбирларни ишлаб чиқиш;

- пенсия тизимининг ривожланиши соҳасида илмий-тадқиқот ишларини бажариш;

- ёшлар билан ишлаш бўйича тадқиқотлар олиб бориш, уларни таҳлил қилиш ва ҳисобот ёзиш;

- ўқув дастурлари, дарслик, ўқув қўлланмалар тайёрлаш;

- илмий-педагогик салоҳиятини ошириб бориш учун мунтазам ишлаш;

- ахборот ва компьютер технологияларини, глобал интернет тизимини мукаммал ўзлаштириш, илмий-педагогик фаолиятини олиб бориш доирасида хорижий тилларни билиш ***малакаларига*** эга бўлиши зарур.

#### **Тингловчи:**

- аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тизимини манзиллилигини кучайтиришнинг долзарб, илмий-амалий аҳамиятга эга бўлган битирув малакавий ишлар, магистрлик диссертациялари мавзулари банкини шакллантириш ва уларга илмий раҳбарлик қилиш;

- ўқилаётган маъруза ва ўтказилаётган амалий машғулотларни ўзлаштириш даражасини таҳлили қилиш, оптималлаштириш ва пировард юқори натижаларга эришиши учун ўқув жараёнига ижодий ёндашиш;

- пенсия тизимининг ривожланиш, пенсия таъминотини ўқитиш соҳасида кассий фаолият юритиш учун зарур бўлган билим, малака ва инсоний сифатларга эга бўлиш;

- ижтимоий иш, ижтимоий таъминот, ижтимоий ҳимоя бўйича хорижий мамлакатларда, етакчи илмий марказларда эришилган ютуқлар, илғор тажрибалардан Ўзбекистонда ижтимоий таъминт ва пенсия тизимини ислоҳ этишда ижодий қўллай билиш ***компетенцияларига*** эга бўлиши лозим.

## **Курс ҳажми**

Қайта тайёрлаш ва малака ошириш курси 288 соатни ташкил этади. Ўқув юкламаси ҳафтасига 36 соат этиб белгиланган. Қайта тайёрлаш ва малака ошириш йўналиши бўйича таълим дастурларини тўлиқ ўзлаштирган ва Аттестациядан муваффақиятли ўтган курс тингловчиларига Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июнданги ПФ-4732-сон Фармони З-иловаси билан тасдиқланган давлат намунасидағи малака аттестати берилади.

### **“Ижтимоий иш (фаолиятнинг турли соҳалари бўйича)” йўналиши бўйича қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсининг ўқув модуллари ва уларнинг мазмуни**

#### **I. Олий таълимнинг норматив ҳуқуқий асослари**

##### **1.1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг асарларида жамият ривожи ва таълим–тарбия масалалари.**

Инсон онг ва тафаккурининг янгиланиши жамият ривожланишининг муҳим омили сифатида. Глобаллашув ва ижтимоий-маънавий ҳаётдаги ўзгаришлар тенденцияси ва истиқболлари.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Озод ва обод Ватан эркин ва фаровон ҳаёт пировард мақсадимиз”, “Юксак маънавият – енгилмас куч, “Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида”, “Мамлакатни модернизация қилиш ва иқтисодиётимизни барқарор ривожлантириш йўлида”, “Ватанимизнинг босқичма-босқич ва барқарор ривожланишини таъминлаш – бизнинг олий мақсадимиз”, “Демократик ислоҳотларни янада чукурлаштириш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш- мамлакатимиз тараққиётининг асосий мезонидир” ва бошқа асарларида жамият ривожи ва таълим-тарбия масалаларининг ёритилиши.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишлиланган маъruzаларида таълим ва кадрлар тайёрлаш тизимини модернизациялаш билан боғлиқ вазифаларнинг белгиланиши.

##### **1.2. Таълим-тарбия жараёнларини ташкил этишнинг қонунчилик нормалари.**

Норматив-ҳуқуқий хужжатлар тушунчаси ва турлари. Норматив-ҳуқуқий хужжатларнинг ишлаб чиқиш ва амалга киритиш тартиби. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. “Таълим тўғрисида”ги Қонун. Кадрлар тайёрлаш миллий дастури. Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг босқичлари ва асосий йўналишлари.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 20 майдаги “Олий таълим муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва юқори малакали мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш чоратадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-1533-сон Карори, 2012 йил 24 июлдаги “Олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар тайёрлаш ва аттестациядан

ўтказиш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги ПФ–4456-сон Фармони, 2015 йил 12 июндаги “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ–4732-сон Фармони ва бошқалар.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 5 январдаги “Узлуксиз таълим тизими учун давлат таълим стандартларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш тўғрисида”ги 5-сон Қарори, 1998 йил 5 январдаги “Узлуксиз таълим тизимини дарслклар ва ўкув адабиётлари билан таъминлашни такомиллаштириш тўғрисида”ги 4- сон Қарори, 2001 йил 16 августдаги “Олий таълимнинг давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида”ги 343-сон Қарори, 2006 йил 10 февралдаги “Олий таълим муассасасига педагогларни танлов асосида ишга қабул қилиш тартиби тўғрисида”ги Низомни тасдиқлаш хусусидаги 20-сон Қарори, 2012 йил 26 сентябрдаги “Олий таълим муассасалари педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 278-сонли Қарори, 2015 йил 10 январдаги «Олий таълимнинг давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида» 2001 йил 16 августдаги 343-сон қарорига ўзгартериш ва қўшимчалар киритиш ҳақида” ги 3-сон Қарори ва бошқалар.

Давлат таълим стандартлари, ўкув режалари ва фан дастурлари тушунчаси ва уларга қўйиладиган талаблар. “Олий таълим муассасаларида талabalар билимини назорат қилиш ва баҳолашнинг рейтинг тизими тўғрисида”ги Низом. “Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасалари талabalарининг малакавий амалиёти тўғрисида” ги Низом. “Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасалари битиувчиларининг якуний давлат аттестацияси тўғрисида”ги Низом. Олий таълим муассасаларида мустақил таълимни ташкил этиш тартиби тўғрисида”ги Низом. “Магистратура тўғрисида”ги Низом. “Очиқ лекцияларни ташкил этиш ва ўтказиш тартиби тўғрисида” ги Низом ва бошқа меъёрий хужжатлар.

## **II. Илғор таълим технологиялари ва педагогик маҳорат**

### **2.1. Инновацион таълим технологиялари.**

Олий таълим тизимини модернизациялашнинг устувор йўналишлари. Инновацион таълим технологияларининг моҳияти, турлари ва назарий асослари, инновацион жараёнларнинг кечиш босқичлари. Педагогик технологиянинг таснифи, қонуниятлари, тамойиллари ва мезонлари.

Олий таълим муассасаларида ўкув жараёнини ташкил этишнинг инновацион шакл, метод ва воситалари. Таълим-тарбия жараёнини технологиялаштириш асослари. Очиқ маъруза, амалий машғулотларни лойихалаштириш, ташкил этиш.

Шахсга йўналтирилган таълим технологияларининг мазмуни, йўналишлари. Таълим олувчиларнинг билиш фаоллигини фаоллаштириш ва жадаллаштириш асосидаги таълим технологиялари: амалий ўйинлар, муаммоли ўқитиш, табақалаштирилган ўқитиш ҳамда интерфаол таълим

методларидан ўқув-тарбия жараёнида фойдаланиш. Ўқув лойиҳаларини ишлаб чиқиши, портфолиоларни шакллантириш ва амалиётга татбиқ этиш. Электрон ўқув модуллари. Силлабус, кейслар банкини яратишга қўйиладиган дидактик талаблар.

## **2.2. Педагогик компетентлик ва креативлик асослари.**

Педагог касбий компетентлигининг тузилиши ва мазмуни. Педагогнинг психологияк, методик, информацион, креатив, инновацион компетентлиги мазмун-моҳияти. Педагогик маҳорат асослари ва таркибий қисмлари. Ўқитувчининг коммуникатив компетентлиги, педагогик жараёнда мулоқот услубларини тўғри танлаш ва улардан самарали фойдаланиш. Педагогик деонтология. Нутқ техникаси ва маданияти. Аудиторияда шахслараро муносабатларни самарали ташкил этиш ва гурухни оптимал бошқариш. Педагогик низоларни самарали ҳал этиш йўллари. Замонавий педагог имиджи ҳамда ўқитувчининг ўз-ўзини касбий ва шахсий такомиллаштириб бориши.

Креативлик - педагогик ижодкорликнинг асоси сифатида. Олий таълим педагог кадрларининг креатив потенциали тушунчаси ва моҳияти. Педагогларда креатив компетентликни шакллантиришнинг зарурӣ шартшароитлари, моделлари. Касбий фаолиятда позитив-фаол мотивация ва педагог кадрларнинг креатив потенциалини баҳолаш мезонлари. Таълимни ахборотлаштириш шаротида педагог кадрлар креатив имкониятларини баҳолаш мезони.

## **2.3. Замонавий таълим ва инновацион технологиялар бўйича илғор хорижий тажрибалар.**

Ўқув жараёнини ташкил этиш ва унинг сифатини таъминлаш борасидаги илғор хорижий тажрибалар, замонавий ёндашувлар. Замонавий таълим ва инновацион технологиялар соҳасидаги илғор хорижий тажрибалар: модулли-кредит тизими, blended learning (аралаш ўқитиши), case study (кейс стади), масофали ўқитиши, маҳорат дарслари, вебинар, эвристик методлар ва бошқ. Замонавий таълимда тьюторлик, супервизорлик ва модераторлик фаолияти. Педагогик фасилитация-таълимда натижавийликни таъминлашдаги муҳим омил сифатида. Талабалар билимини баҳолашнинг ассесмент технологиялари.

## **III. Таълим жараёнида ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш**

### **3.1. Таълимда мультимедиа тизимлари ва масофавий ўқитиши методлари.**

Мультимедианинг компонентлари. Мультимедианинг бажарилиш шартлари. Мультимедианинг дастурий таъминоти. Мультимедиа компонентларини солиштириш. Сақловчи технологиялар. CD-ROM, CD, DVD, HD DVD, Blu-ray. Мультимедиа файл форматлари. Мультимедиа плейерлари. Мультимедианинг қўлланилиши. Видео конференция. Медиа

соҳалари. Рақамли аудио. Аудио файллар. Самплинг методи. Файлларни сақлаш усули. Аудио ва видеони таҳрирлаш. Мультимедиали электрон нашрлар (ўқув фильмлари, электрон дарсликлар).

Электрон таълим ресурслари ҳақида тушунча. Масофавий ўқитишида электрон таълим ресурсларини яратиш тамойиллари. Мультимедиали маъruzалар категориялари, Муаллифлик дастурий таъминотларидан фойдаланган ҳолда электрон таълим ресурсларини яратиш.

Масофали ўқитишининг назарий ва дидактик асослари. Масофавий таълимни ташкил қилиш усуллари. Масофавий таълим жараёнини амалга ошириш босқичлари. Таълимда эркин ва очиқ кодли дастурий таъминотлар таҳлили. LMS тизимларининг асосий функциялари.

Moodle тизимида ўқув жараёнини, жорий, оралиқ ва якуний назорат турларини ташкиллаштириш. Moodle тизимида ўқув контентларни шакллантириш ва бошқариш.

Оммавий онлайн очиқ курслар (Soursera, edX, Khan akademiyasi, MIT Open Course Ware).

### **3.2. Электрон педагогика асослари ва педагогнинг шахсий, касбий ахборот майдонини лойиҳалаш.**

Педагогик жараёнда ахборот-коммуникация ва интерактив технологияларидан фойдаланиш. Таълимий Интернет ресурслари ва улардан ўқув жараёнида фойдаланиш. Интернет тармоғининг асосий хизматлари. Ziyonet.uz ва бошқа таълим порталлари ресурслари билан ишлаш. Интернет тармоғида педагогларнинг, талабаларнинг электрон мулоқот мухитида жамоа бўлиб ишлаш шакллари. Блог, форум ва тематик чатларни ташкил этиш усуллари. Педагогларнинг тармоқдаги ҳамкорлиги.

Педагогнинг шахсий, касбий ахборот майдонини ташкил этиш. Электрон портфолио тушунчаси, таркиби, мазмуни ва имкониятлари. Ахборот технологиялари воситасида педагогнинг электрон портфолиосини шакллантириш. Электрон ахборот-таълим мухитида педагогик жараённи лойиҳалаштириш.

Педагогик фаолиятда амалий дастурий воситалардан фойдаланиш, амалий дастурий воситалар ёрдамида электрон дарсликлар, тренажерлар, виртуал лаборатория машғулотларини яратиш усуллари. Офис дастурларида электрон ўқув-методик материалларини яратиш усуллари (Microsoft Word, Excel, Power Point ва б.). Web 2.0/3.0 технологиялари ва уларнинг ёрдамида электрон дидактик материалларни яратиш ва ўқув-тарбия жараёнида қўллаш.

Педагогик фаолиятда амалий дастурий воситалар ҳимоясини таъминлаш. Аутентификациялаш ёрдамида ҳимоялаш. Ҳимоялаш воситалари.

## **IV. Амалий хорижий тил**

### **4.1. Амалий хорижий тилни ўрганишнин интенсив усуллари.**

Хорижий тилни ўқитиши ва ўрганишдаги ислоҳотлар. Тил бўйича Европа стандарти ва унинг мазмуни. Тил алоқа (коммуникация) воситаси сифатида ҳамда тилга оид билим, малака ва кўникмаларни шакллантириш усуллари.

Амалий хорижий тилни ўрганишнинг интенсив усуллари: коммуникатив, интерактив мулоқот, вазиятли-иммитацион ўйинлар, дебатлар, аудио-визуал усуллар ва Интернет ресурслари.

Тилни муваффақиятли ўзлаштириш шарт-шароитлари: касбий интерактив мулоқот мухити, мулоқот клубларини ташкил этиш, ўзининг тил кўникмалари даражасини баҳолаш ва бошқ.

Хорижий тилни ўрганишда нутқ фаолияти турлари (ўқиш, гапириш, тинглаб тушуниш, ёзув) бўйича компетенцияларни ривожлантириш усуллари.

Маданиятлараро мулоқот компетенцияси (ўзбек ва хорижий тилда сўзлашувчи халқлар маданияти, урф-одатлари, анъаналари ҳақида чет тилида гапира олиш).

Мулоқот мавзулари: кундалик ҳаётга оид (шахсий маълумот, оила ҳақида маълумот, бўш вақтни ўтказиш ва ҳоказо) ижтимоий ҳаётга доир, таълимга ва касбга йўналтирилган мавзулар.

Мутахассисликка оид матнларни ўқиш, уларни тушуна олиш, оғзаки баён эта олиш, ўз фани бўйича ўқув жараёнини ташкил этишда соҳага оид хорижий тилдаги атамалардан фойдаланиш.

## **V. Тизимли таҳлил ва қарор қабул қилиш асослари**

### **5.1. Тизимли таҳлил асослари.**

Тизимли таҳлил ҳақидаги асосий тушунча ва тамойиллар. Тизимнинг хусусияти ва тузилмаси. Тизимли таҳлил методологияси. Тизимли таҳлилнинг йўналишлари. Тизимли таҳлилнинг шаклланиш ва ривожланиш босқичлари. Тизимли услуг ва тизимли ёндашув. Аналитик тадқиқотлар асосида тизимли таҳлилни ташкил этиш. Аналитик методлар ёрдамида қарорлар қабул қилиш. Тизимли таҳлилда микдорий ва сифат ёндашуви. Педагогик вазиятларда қарор қабул қилиш усуллари. Талабалар индивидуал-психологик ҳамда креатив ривожланиш даражаларининг тизимли таҳлили.

### **5.2. Олий таълим жараёнини бошқаришда қарор қабул қилиш технологиялари.**

Комплекс қарорлар чиқаришда тизимли таҳлил хусусиятлари. Қарорлар қабул қилишнинг асосий қоидалари ва таснифи. Қарор қабул қилиш даражалари. Қарор қабул қилиш босқичлари. Қарор қабул қилиш психологик жараён сифатида. Ўқув жараёнини бошқаришда қарор қабул қилиш технологиялари. Турли омиллар асосида қарор қабул қилишнинг методологик жиҳатлари. Қарор қабул қилишда моделлаштириш усуллари.

Олий таълим жараёнини бошқаришда қарорлар қабул қилиш тажрибаси. Тизимли таҳлил ва қарор қабул қилишнинг ахборот таъминоти.

## **VI. Махсус фанлар**

### **6.1. Аҳолининг ижтимоий ҳимоя қилиш тизимининг манзиллигини кучайтириш йўналишлари.**

Ўзбекистон Республикасида ижтимоий сиёсатнинг моҳияти ва уни амалга ошириш принциплари. Аҳолини ижтимоий ҳимоялаш тизимининг миллий иқтисодиётда ва жамиятдаги ўрни. Ўзбекистон Республикасида аҳолини ижтимоий ҳимоялашни ҳуқуқий-институционал асосини таъминловчи қонунлар. Хорижий давлатларда амал қилаётган аҳолини ижтимоий ҳимоялаш моделлари.

Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тизимины ислоҳ этиш ва уни аниқ манзиллигини кучайтириш йўналишлари. Ўзбекистонда бозор муносабатларининг чукурлашув жараёнинда аҳолини ижтимоий ҳимоялаш тизимины ислоҳ қилишнинг мақсадли давлат дастурлари. Аҳолини ижтимоий ҳимоялаш тизимининг аниқ манзиллигини кучайтиришнинг иқтисодий-ижтимоий моҳияти ва мақсадлари.

### **6.2. Пенсия тизимини ислоҳ этишнинг хориж тажрибаси ва ундан Ўзбекистонда фойдаланиш имкониятлари.**

Пенсия тизимининг миллий иқтисодиётдаги ўрни. Пенсиянинг иқтисодий асоси. Пенсия тизими ва унинг элементлари. Пенсия турлари. Пенсиянинг вазифалари. Пенсиянинг ривожланиш кўрсаткичлари: ўрта ойлик пенсия, минимал, ўрта ва максимал меҳнат пенсиялари, қарилик пенсиясининг минимал миқдори. Қоплаш ва боғлиқлик коэффициенти. Давлат томонидан пенсия тизимини тартибга солиш. Пенсия таъминотини халқаро тартибга солиш.

Ривожланган мамлакатларда пенсия тизимини ислоҳ этиш йўналишлари. АҚШда давлат пенсия тизими. Евropa Иттифоқи мамлакатларида пенсия таъминоти тизими ҳолати, таркиби, ривожланиш тенденциялари ва ислоҳ этиш йўналишлари. Япония пенсия тизимининг хусусиятлари.

Давлат пенсия таъминотини бошқариш ва молиялаштириш амалиётини такомиллаштириш. Бюджетдан ташқари пенсия жамғармасининг молиявий барқарорлигини таъминлаш. Ўзбекистонда жамғариб бориладиган пенсия таъминотига ўтиш истиқболлари.

### **6.3. Ёшлар билан ижтимоий иш олиб бориш технологияси.**

Ёшлар ўзига хос ижтимоий-демографик груп сифатида. Ёшларнинг ёш ва ижтимоий-психологик жиҳатлари. Ёшларни тадқиқ этишда психологик ёндашув. Ўсмирлик ёшининг психологик хусусиятлари. Ҳаёт цикли ва социал статус динамикасида ёшликтининг ўрни. Ёшлик даврининг социомаданий жабҳалари. Турли маданиятларда ёш мезони. Ёшлар социализацияси.

Ижтимоий сиёсатни амалга оширишнинг асосий йўналиш, тамойил ва шакллари. Ижтимоий сиёсат ва ижтимоий иш. Ёшларга оид давлат сиёсатининг асосий тамойиллари. Ёшларга оид давлат сиёсатининг мақсади. Ижтимоий ҳимоя. Мақсадли ҳимоя. Давлатнинг ёшларни ижтимоий ҳимоя қилиш тизими ва унинг асосий йўналишлари.

#### **6.4. Аҳолининг заиф қатламлари билан ишлашнинг этносоциаллик жиҳатлари.**

Давлатнинг ижтимоий сиёсати тушунчаси. Давлат фаолиятида ижтимоий сиёсатнинг ўрни ва роли. Ижтимоий сиёсатнинг иқтисодиёт билан алоқаси. Социал муаммоларни ҳал қилишдаги асосий ёндашувлар. Давлат ижтимоий сиёсатининг мақсадлари: ҳаёт даражасини қўтариш, социал адолат тамойили, аҳолининг ижтимоий заиф қатламларини ҳимоялаш.

Европада социал таъминотнинг асосий моделлари. Мамлакатимиз социал сиёсати моделлари. Ўзбекистон Республикасида социал сиёсатни амалга ошириш механизмлари.

Ногиронлик ҳолат ва жараён сифатида. Ногиронликнинг асосий омиллари. Реабилитация ваabilitация. Ногиронлик бўйича давлат сиёсатини амалга ошириш механизмлари. Пенсия таъминоти, имтиёз ва нафақалар тизими. Кексалар билан ишлашнинг асосий тамойиллари. Ногиронларни реабилитация қилишни асосий шакли ва турлари.

### **VII. Педагогик амалиёт**

Қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсларида педагогик амалиёт очик маъruzалар ва амалий машғулотлар ўтказиш, ўтилган дарсларнинг муҳокама қилиниши ва танқидий таҳлил этилишига асосланган ҳолда амалга оширилади.

Педагогик амалиёт қайта тайёрлаш ва малака ошириш йўналишлари ва мутахассисликларининг ўзига хослигидан келиб чиқкан ҳолда олий таълим муассасаларининг тегишли профиль кафедраларида ташкил этилади.

#### **Амалий машғулотларни ташкил этиш бўйича кўрсатма ва тавсиялар**

Амалий машғулотларда тингловчилар ўқув модуллари доирасидаги ижодий топшириқлар, кейслар, ўқув лойиҳалари, технологик жараёнлар билан боғлиқ вазиятли масалалар асосида амалий ишларни бажарадилар.

Амалий машғулотлар замонавий таълим услублари ва инновацион технологияларга асосланган ҳолда ўтказилади. Бундан ташқари, мустақил ҳолда ўқув ва илмий адабиётлардан, электрон ресурслардан, тарқатма материаллардан фойдаланиш тавсия этилади.

#### **Мустақил таълимни ташкил этишининг шакли ва мазмуни**

Мустақил таълим тегишли ўқув модули бўйича ишлаб чиқилган топшириқлар асосида ташкил этилади ва унинг натижасида тингловчилар битирув иши (ложиҳа иши) ни тайёрлайди.

Битирув иши (ложиҳа иши) доирасида ҳар бир тингловчи ўзи дарс

бераётган фани бўйича электрон ўқув модулларининг тақдимотини тайёрлайди.

Электрон ўқув модулларининг тақдимоти қуидаги таркибий қисмлардан иборат бўлади:

Силлабус;

Кейслар банки;

Мавзулар бўйича тақдимотлар;

Бошқа материаллар (фанни ўзлаштиришга ёрдам берувчи қўшимча материаллар: электрон таълим ресурслари, маъзуза матни, глоссарий, тест, кроссворд ва бошқ.)

Электрон ўқув модулларини тайёрлашда қуидагиларга алоҳида эътибор берилади:

- тавсия қилинган адабиётларни ўрганиш ва таҳлил этиш;
- соҳа тараққиётининг устивор йўналишлари ва вазифаларини ёритиш;
- мутахассислик фанларидаги инновациялардан ҳамда илгор хорижий тажрибалардан фойдаланиш.

Шунингдек, мустақил таълим жараёнида тингловчи касбий фаолияти натижаларини ва талабалар учун яратилган ўқув-методик ресурсларини “Электрон потрфолио” тизимиға киритиб бориши лозим.

### **Дастурнинг ахборот-методик таъминоти**

Модулларни ўқитиши жараёнида ишлаб чиқилган ўқув-методик материаллар, тегишли соҳа бўйича илмий журналлар, Интернет ресурслари, мультимедиа маҳсулотлари ва бошқа электрон ва қоғоз вариантдаги манбаалардан фойдаланилади.

## **Адабиётлар**

### **I. Ўзбекистон Республикаси Президентининг асарлари:**

1. Каримов И.А. Озод ва обод Ватан эркин ва фаровон ҳаёт пировард мақсадимиз, 8-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 2000.
2. Каримов И.А. Ватан равнақи учун ҳар биримиз маъсулмиз, 9-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 2001.
3. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. Т.: «Маънавият». –Т.: 2008.-176 б.
4. Каримов И.А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. Т.: “Ўзбекистон”. –Т.: 2011.-440 б.
5. Каримов И.А. 2014 йил юқори ўсиш суръатлари билан ривожланиш, барча мавжуд имкониятларни сафарбар этиш, ўзини оқлаган ислоҳотлар стратегиясини изчил давом эттириш йили бўлади. –Т.: “Ўзбекистон”, 2014. – 64 б.
6. Каримов И.А. 2015 йилда иқтисодиётимизда туб таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, модернизация ва диверсификация жараёнларини изчил давом эттириш ҳисобидан хусусий мулк ва хусусий тадбиркорликка кенг очиб бериш – устувор вазифамиздир. –Т.: “Ўзбекистон”, 2015. – 72 б.

### **II. Норматив-ҳуқуқий хужжатлар**

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2014.
2. Ўзбекистон Республикаси Қонуни. Таълим тўғрисида. Ўзбекистон Республикаси Олий ма
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 20 майдаги “Олий таълим муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва юқори малакали мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилиш чора-тадбирлари тўғрисидаги” ПҚ-1533-сон Қарори.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июндаги “Олий таълим муасасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4732-сон Фармони.
5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 16-февралдаги “Педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларни малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги 25-сонли Қарори.
6. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 26 сентябрдаги “Олий таълим муассасалари педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 278-сонли Қарори.
7. Ўзбекистон Республикасининг «Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги қонуни. 03.09.1993. № 938-XI-сон. Кадрлар масалалари бўйича маълумотнома. 2007. 6-сон. 15-бет.

8. Ўзбекистон Республикасининг «Фуқароларнинг жамғарib бориладиган пенсия таъминоти тўғрисида»ги Қонуни. Кадрлар масалалари бўйича маълумотнома. 2007. 6-сон. 19-бет.

9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Пенсионерларни ижтимоий қўллаб-қувватлашни кучайтириш борасидаги чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони, 17.09.2007 й.

10. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 21 октябрдаги «Бюджетдан ташқари пенсия жамғармасини бошқаришни янада такомиллаштириш тўғрисида»ги 490-сон Қарори. Кадрлар масалалари бўйича маълумотнома. 2008. 2-сон. 31-бет.

11. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 21 декабрдаги «Фуқароларнинг жамғарib бориладиган пенсия таъминоти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунини амалга ошириш чора-тадбирлари ҳақидаги Қарори. Кадрлар масалалари бўйича маълумотнома. 2007. 11-сон. 17-бет.

12. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 8 сентябрдаги 252-сон “Давлат пенсияларини тайинлаш ва тўлаш тартибини янада такомиллаштиришга қаратилган норматив-хукуқий хужжатларни тасдиқлаш тўғрисида”ги Қарори.

13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2014 йил 6 февралдаги “Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарори. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасининг 2015 йилги асосий мақроиктисодий кўрсаткичлари прогнози ва давлат бюджети параметрлари тўғрисида”ги 2014 йил 4 декабрдаги ПҚ-2270-сон қарори.

14. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Кексаларни эъзозлаш йили” Давлат дастури тўғрисидаги 2015 йил 18 февралдаги ПҚ-2302-сон Қарори.

### **Ш. Махсус адабиётлар**

1. Азизходжаева Н.Н. Педагогик технологиялар ва педагогик маҳорат. – Т.: Молия, 2003. – 192 б.
2. Арипов М. Интернет ва электрон почта асослари.- Т.; 2000. – 218 б.
3. Баркалов С.А. Системный анализ и принятие решений.– Воронеж: НПЦ ВГУ,2010. 662с.
4. DUET-Development of Uzbekistan English Teachers\*- 2-том. CD ва DVD материаллари, Тошкент.: 2008.
5. Michael McCarthy “English Vocabulary in use”. Cambridge University Press, 1999, Presented by British Council.
6. Исмаилов А.А, Жалалов Ж.Ж, Саттаров Т.К, Ибрагимходжаев И.И. Инглиз тили амалий курсидан ўқув-услубий мажмуя. Basic User/ Breakthrough Level A1/-Т.: 2011. – 182 б.

7. Ишмуҳамедов Р., Абдуқодиров А., Пардаев А. Таълимда инновацион технологиялар (таълим муассасалари педагог-ўқитувчилари учун амалий тавсиялар). – Т.: “Истеъдод” жамғармаси, 2008. – 180 б.
8. Ишмуҳамедов Р., Абдуқодиров А., Пардаев А. Тарибяда инновацион технологиялар (таълим муассасалари педагог-ўқитувчилари учун амалий тавсиялар). – Т.: “Истеъдод” жамғармаси, 2009. – 160 б.
9. Норенков И.П., Зимин А.М. Информационные технологии в образовании. Учебное пособие. М.: Изд. МГТУ им. Н.Баумана. 2002.-336с.
10. Симонович СВ., Евсеев Г.А., Мураховский В.И. WINDOWS: лаборатория мастера: Практическое руководство по эффективным приемам работы с компьютером - М.: АСТ-ПРЕСС: Информком-Пресс, 2000. - 656 с.
11. Спицнадель В.Н. Основы системного анализа. Учебное пособие.– Санкт-Петербург: Издательский дом «Бизнес-пресса», 2000.–17с.
12. Зеер Э.Ф., Шахматова Н. Личностью ориентированные технологии профессионального развития специалиста. – Екатеринбург, 1999. – 244 с.
13. Саттаров Э., Алимов Х. Бошқарув муроқоти. – Т.: “Академия”, 2003. – 70 б.
14. Махмудов И.И. Бошқарув психологияси. – Т.: 2006. – 230 б.
15. Махмудов И.И. Бошқарув профессионализми: психологик таҳлил. – Т.: “Академия”, 2011. – 154 б. Самаров Р.С. Сиёсий психология. - Т.: 2008. 110 б.
16. Самаров Р.С. Хавфсизликнинг методологик асослари. –Т.: “Академия” 2008.
17. Бўтаев У.Х. Сиёсий тизим ва таҳлил (Ўқув қўлланма). Т.: “Ўзбекистон”–2012.
18. Бўтаев У.Х. Таҳлилий фаолиятни такомиллаштиришнинг технологияси. //Ж. Таълим муаммолари журнали, 2012 йил, 4 сон.
19. Самаров Р., У.Бўтаев. Тизимли тадқиқотларда сиёсий прогноз ва унинг технологияси. The culture of tolerance in the context of globalization: methodology of research, reality and prospect. Materials of the international scientific conference on May 13–14, 2014. Prague 2014. P.25-27.
20. Бўтаев У. Барқарорлик тушунчасининг талқини ва таҳлили.//Ж. ЎзМУ хабарлари, 2015 йил 1/2-сон. Б. 91-94.
21. Вахабов А.В. Бозор муносабатлари тизимидағи ижтимоий фондлар. –Т.: Шарқ. 2003. –320 б.
22. Далимов Р.Т. Мировой опыт реформирования пенсионной системы и его применение в условиях переходной экономики. –Т.: Университет, 2003. – 212 с.
23. Умурзаков Б.Х. Проблемы пенсионного обеспечения в условиях рыночных отношений. –Т.: Фан, 2005. – 174 с.
24. Ҳайтов А.А. Ўзбекистонда пенсия таъминоти ва хориж тажрибаси / А.А. Ҳайтов, М. Зиядуллаев; ЎзР Мехнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги. –Т.: Адолат, 2009. – 172 б.

25. Рустамов Д. Пенсия тизимиning молиявий барқарорлигини таъминлаш йўналишлари. Монография / ЎзР Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги, ТМИ. –Т.: “Iqtisod-Moliya”, 2013. -152 б.
26. Всё о пенсионной реформе в России: монография / П.А.Орлов-Карба. –М.: Гардарики, 2005. – 302 с.
27. Срожиддинова З.Х. Ўзбекистон Республикаси бюджет тизими. Т.: Infocom. 2010.
28. Қосимова Г.А., Каримова З.Х. Бюджетдан ташқари фонdlар. Ўқув қўлланма. –Т.: “IQTISOD-MOLIYA”. 2009. – 212 б.
29. Тухтарова М.С. Пенсионное обеспечение граждан. Справочник для населения. –Т.: “NORMA” 2010. – 360 с.
30. Предупреждение кризиса старения населения. Политика защиты престарелых и содействия экономическому росту. Всемирный банк. Вашингтон. 1994.
31. Варианты реформирования существующих систем пенсионного обеспечения для Киргизии, Таджикистана и Узбекистана (16 апреля – 3 июня 2003 г.). Курс дистанционного обучения для руководителей и практических работников. Институт Всемирного банка. [www.worldbank.org/pensions](http://www.worldbank.org/pensions)
32. Линдеман Д., Рудковский М. Развитие систем пенсионного обеспечения в Восточной Европе и Центральной Азии: возможности, ограничения, дилеммы и новые подходы. Август 2000 г. [www.worldbank.org/pensions](http://www.worldbank.org/pensions)
33. Назаров В. Будущее пенсионной системы: параметрические реформы или смена парадигмы? // Вопросы экономики, №9, 2012. - с. 67-87.
34. Кудрин А., Гурвич Е. Старение населения и угроза бюджетного кризиса // Вопросы экономики. 2012, №3 - С.52-79.
35. Гурвич Е. Принципы новой пенсионной реформы. // Вопросы экономики, №4, 2011. - с.4-31.
36. Гурвич Е. Пенсионная реформа: общие принципы и необходимые меры. Экономическая экспертная группа. Февраль 2011 г. [www.strategy2020.rian.ru/g3\\_docs/20110516/366064025.html](http://www.strategy2020.rian.ru/g3_docs/20110516/366064025.html)
37. Соловьев А.К. Проблемы развития пенсионной системы: реальные и мнимые // Финансы, №9, 2010. –с.7-12.
38. Горюнов И.Ю., Михальчук В.Ю. Роль негосударственных пенсионных фондов в современной пенсионной системе России. // Финансы, №1, 2008. –с.61-72.
39. Пенсионные системы в период кризиса: Региональный доклад по странам Европы и Центральной Азии. 12 ноября 2009 г. [www.siteresources.worldbank.org/.../PensionCrisisPolicyNotefinalru.pdf](http://www.siteresources.worldbank.org/.../PensionCrisisPolicyNotefinalru.pdf)
40. Роик В.Д. Пенсионная реформа: нужна концепция социального контракта поколений россиян для XXI века. // «ЭКО» журнал. №2, 2012. – с.58-72.

41. Хмыз О.В. Реформирование системы пенсионного обеспечения в Чехии. // Финансы. №1, 2010. –с.56-66.
42. Тонг Вэй, Селищев А. Реформирование пенсионной системы Китая // Финансы. №9, 2012. –с.74-78.
43. Роик В.Д. От «бесплатной» - к страховой пенсионной системе. // «ЭКО» журнал. №5, 2013. –с.152-165.
44. Аранжереев М.М. Негосударственная пенсионное обеспечение: особенности современного этапа. // «ЭКО» журнал. №3, 2011. –с.58-68.
45. “Пенсия таъминоти тизимини ривожлантириш истиқболлари” мавзусидаги Республика илмий-амалий конференция материаллари тўплами. –Т.: “Университет”. 2014. 272 б.
46. Доклад по Целям развития тысячелетия Узбекистан 2015. –Т.: ЦЭИ, 2015. -100 с.
47. Уйда ижтимоий ёрдам қўрсатиш хизмати фаолиятини ташкил этиш методик қўлланмаси. –Т.: Baktria press, 2014. -100 б.
48. Волков Ю.Г. Социология молодёжи. Ростов на-дону 2001.
49. Ковалёва А.И., Луков В.А. Социология молодёжи. Теоритические вопросы. – М.: Социум. 1999.
50. Аникеева О.А. Формирование единого социализационного пространства реабилитации подростков и молодежи девиантного поведения в социальной сфере муниципального образования / О. А. Аникеева, Е.А. Воронцова; Федер. агентство по образованию, Рос. гос. ун-т туризма и сервиса. - Москва : РГУТИС, 2012. – 201 с.
51. Байкова Л.А. Социальное здоровье детей и молодежи: методология, теория, практика / Л.А. Байкова; М-во образования и науки Рос. Федерации, Ряз. гос. ун-т им. С А. Есенина. – Рязань : РГУ, 2011. – 222 с.
52. Бормотов И.В. Система ценностей современной российской молодежи (социально-философский анализ) / Бормотов И.В.; Финансовый ун-т при Правительстве Рос. Федерации, Тул. фил. Финуниверситета. – Тула: Тульский полиграфист, 2013. - 221 с.
53. Ганиева М.Х. Основы социальной работы. Учебное пособие. – Ташкент: CHASHMA PRINT, 2009. – 112 с.
54. Ганиева М.Х. Ижтимоий иш асослари. – Тошкент: CHASHMA PRINT, 2010. - 92 б.
55. Ганиева М.Х. Введение в социальную работу. – Ташкент: НУУз, 2011.
56. Организация работы с молодежью: современные социальные технологии и перспективы развития: материалы всероссийской научно-практической конференции, Санкт-Петербург, 24-25 ноября 2011 года / под ред. Г. В. Ковалевой. – Санкт-Петербург. СПГУТД, 2011. – 237 с.
57. Михеев, В. А. Основы социального партнерства: теория и политика: учебник / В. А. Михеев. – М.: Экзамен, 2001. – 448 с.
58. Холостова, Е. И. Социальная политика и социальная работа: учебное пособие / Е. И. Холостова. – М.: Дашков и К, 2009. – 216 с.
59. Блинков Ю.А. Медико-социальная экспертиза лиц с ограниченными

возможностями – Ростов-на-Дону, 2002

60. Бобков В.Н., Починок А.П. Социальная политика, уровень и качество жизни - М.: изд-во ВЦУЖ, 2001.

61. Никитин В.А. Некоторые проблемы разработки концептуальных основ теории социальной работы. – М., 2008

62. Медведева Г.П. Введение в социальную геронтологию. М.-Воронеж, 2000.

#### **IV. Электрон таълим ресурслари**

1. [www.Ziyonet.uz](http://www.Ziyonet.uz)
2. [www.edu.uz](http://www.edu.uz)
3. Infocom.uz электрон журнали: [www.infocom.uz](http://www.infocom.uz)